Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг
Агентлик жамоасига
МУРОЖААТИ

Мамлакатимизда давлат ва жамият бошқарувининг турли соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида изчил ҳамда самарали чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Бу ўринда, Давлатимиз Раҳбари юксак сиёсий ирода кўрсатиб, ушбу иллатга қарши курашиш масаласини таъбир жоиз бўлса “ё ҳаёт ё мамот” эканлигини қайта-қайта таъкидлаб келмоқда.

Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг парламентга қилган Мурожаатномасида ***“Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”***, дея алоҳида таъкидлагани ҳам, ушбу иллатнинг давлатчилигимизга нақадар хавфли эканлигини кўрсатади.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси ўлароқ, коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган алоҳида, мустақил орган сифатида Агентлигимиз ташкил этилди.

Агентлик барча вазирлик ва идораларнинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этишга масъул этиб белгиланди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларимиз томонидан ушбу иллатга қарши олиб борилаётган курашни ягона тизимли ҳаракатга айлантириш Агентлик олдида турган энг муҳим вазифадир.

Бунинг учун содиқлик, ҳалоллик, ватанпарварлик ва масъулиятни фаолиятнинг асосий тамойилига айлантирган ҳолда, Агентликнинг ҳар бир ходими жамоамиз олдига қўйилган мазкур мақсад ва вазифаларни виждонан, холис ва юқори савияда амалга ошириши, ушбу йўлда ўзининг бор куч-ғайратини ва иродасини сафарбар этиши лозим.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходими деган юксак шарафли мақом эгаси сифатида шубҳа уйғотувчи ҳаракатлар, сўзлардан тийилишимиз, ҳамма жойда юриш-туришимиз, ҳаракатларимиз билан бошқа давлат хизматчиларига ва оила аъзоларимизга намуна бўлишимиз зарур.

Халқимиз хизматида эканмиз, ҳалолликни, ошкораликни ҳамда коррупцияга қарши мутлақо тоқатсизликни намойиш этишга тайёрмиз.

Бизнинг энг муҳим вазифамиз ҳам – коррупцияга қарши стандартлар меъёрга айланган, ушбу иллатга қарши муросасизлик ва тоқатсизлик максимал нуқтага чиққан жамият барпо этилишида энг катта ҳиссани қўшишдир.

Коррупциявий жиноятларнинг оқибатлари билан эмас, уни келтириб чиқарувчи сабаб, шарт-шароитларига қарши курашиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолияти самарадорлигини оширишда Агентлик барчага кўмаклашиш учун тайёр ва барчага наъмуна бўлиши керак.

Бунда Агентлик ва унинг ходимлари ўзларининг барча ресурсларини – куч-ғайратини, имкониятларини, касбий ҳамда интеллектуал салоҳиятини сафарбар этади, деб ишонаман!

Куч-адолат, жипслик ва бирдамликда!

Акмал Бурханов